



Ботухон барча бутпараст мўгул хонлари каби золим эди ва шу сабабли рус халкига жуда каттик зулм ўтказди. Шунинг учун унинг хукмронлик даври рус солномачилари тарафидан тарих варақларига “мўгуллар зулми” дея хат этилгандир. 1255 - йилда Ботухон вафот этиб, Олтин Ўрда тахтига унинг укаси Беркехон ўтиради. Орадан кўп ўтмай у Олтин Ўрдани мўгул империясидан мустакил, алохида хонлик деб эълон қилади. Хонликнинг пойтахтини ҳам Ботухон қурдирган Сарой Боту шахридан шахсан ўзи қурдирган Сарой Берке шахрига кўчиради ва давлат ишларини тубдан ислох қилишга киришади. Ўша ерда яшаган халқларнинг, шу жумладан русларнинг тарихида ҳам биринчи бор статистик ҳисоб- китоб ишларини бошлаб, мамлакатдаги фуқароларнинг ва уй ҳайвонларининг ҳисобини олади. Хонларнинг одатига айланган талончилик ва зулмни така - так тўхтатади. Во ажаб! Беркехонга не бўлди? Нима уни зулмдан тўхтатди? Ожиз ва таркок Русь князликлари устига юриш қилиб, шаҳар ва қалъаларини қамал қилиш билан қўрқитиб, жарак - жарак олтинлар ундиришдан уни қандай қуч қайтарди? У қимдан қўрқди?

Ха. Беркехон Аллохдан қўрқкан эди. Чунки у Ислом Динини қабул қилган эди. Исломда эса зулм ҳаромдир. Олтин Ўрданинг энг биринчи мусулмон хони Берке Исломни қабул қилганидан кейин номини Саид Баракатхон деб ўзгартирди, саройга ислом уламоларини йигиб, улардан давлат ва фуқаролар ҳамда мамлакат бошқариш ҳақидаги исломий ҳукмларни ва исломий адолат асосларини ўрганди. Агарда у исломга қирмай ёввойи мўгул ҳолида қолганида ва аждодлари каби зулмни давом эттирганида рус халқи яна кўп қиргинларга учрар эди. Аммо, рус халқининг тарихий бахтига яраша у, яна бир мўгулий сулола - элхонийларнинг таъсирида исломни қабул қилди. Элхонийлар Чингизхоннинг невараси ва ўзининг вахшийлиги билан донг таратган Хулоқунинг авлодлари эди. Эрон, Ироқ тарафга юриш қилиб, ўша тарафда қолиб қетган Хулоқунинг авлодлари у вафот қилганидан кейин ерли халқнинг динини қабул қилган эдилар.

...Шу ерда таъқидлаб ўтишимиз жоизки, ўша вақтга қадар инсоният тарихининг барча даврида қолиб халқнинг динини мағлуб халқ қабул қилиб қелган эди. Аммо ислом... илохий ҳақиқатлиги ва ботиний бўйсунмаслик қудрати туфайли уни қолиб халқ - мўгуллар мағлуб халқ - араблардан қабул қилдилар!

...Элхонийлар Беркехонга тоға бўлганлари сабабли бир бирларининг ахволларидан тез - тез хабар олиб турардилар. Беркехоннинг мусулмон бўлишига кучли таъсир қилган яна бир шахс ислом оламини ёввойи мўғуллар итилосидан саклаб, уларни тор - мор қилган эрюрак Миср ҳукмдори Рукнуддин Бейбарс бўлса ажаб эмас. Асли келиб чиқиши Еттисувлик қирғиз туркларидан бўлган Бейбарс Аббосий халифаларга ҳарбий хизматга ёлланган мамлук эди. Тақдир тақозоси ҳамда ўзининг довураклиги ва уддабурронлиги натижасида у Мисрдаги мамлуклар давлатининг султони даражасига етди. Рукнуддин Бейбарс ислом ҳукмларини маҳкам ушлаган, адолатли султон бўлганлиги сабабли жуда кўп подшоҳларга ўрнак бўлган. Унга ҳатто насоро подшоҳлари ҳам ҳавас билан қарашиб, ўзаро муносабатлар ўрнатишга интизор бўлишган. Кечаги ёвуз Берке, бугунги Саид Баракатхон ҳам Бейбарс қаби адолатли бўлишга интилдди. Мамлакатга ислом адолати билан ҳукм қилди. Шаҳарларга масжидлар қурдириб, ислом даъватини бошлади. Аммо, икки юз йил илгари насоро динини қабул қилган рус халқини исломни қабул қилишга мажбурламади. Ваҳоланки, руслар Олтин Ўрда хонлигининг фуқаролари эди. Саид Баракатхон 1266 - йилда вафот қилди.